

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ШАХЗОДА ШАВКАТ ҚИЗИ

**ЮРАК-ҚОН ТОМИР СИНТРОПИЯСИДА ЮРАК ЧАП ҚОРИНЧАСИ
РЕМОДЕЛЯЦИЯСИНИНГ ИММУН-ЯЛЛИФЛАНИШ МАРКЕРЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of Sciences (DSc)

Ганиева Шахзода Шавкат қизи

Юрак-қон томир синтропиясида юрак чап қоринчаси ремоделяциясининг
иммун-яллиғланиш маркерлари 3

Ганиева Шахзода Шавкат кизи

Иммуновоспалительные маркеры ремоделирования левого желудочка сердца
при кардиоваскулярной
синтропии.....31

Ganieva Shakhzoda Shavkat qizi

Immuno-inflammatory markers of remodeling of the left ventricle of the heart in
cardiovascular syntropy..... 60

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works 64

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ГАНИЕВА ШАХЗОДА ШАВКАТ ҚИЗИ

**ЮРАК-ҚОН ТОМИР СИНТРОПИЯСИДА ЮРАК ЧАП ҚОРИНЧАСИ
РЕМОДЕЛЯЦИЯСИНИНГ ИММУН-ЯЛЛИҒЛАНИШ МАРКЕРЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/Tib746 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий консултантлар

Наврузова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жарилкасинова Гаухар Жанузаковна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Нуралiev Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Татауршикова Наталья Станиславовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Парпибаева Динара Аюповна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Россия Фанлар Академияси Урал бўлими
Иммунология ва физиология институти
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «19» октябрь кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел. (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (102 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2023 йил «4» октябрь кuni таркатилди.

(2023 йил «4» октябрь даги 17 рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

[Handwritten signature]

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллигининг барқарор ўсиши, даволаниш харажатларининг ошиши глобал тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда. Тадқиқотлардаги замонавий ютуқлар яллиғланиш ва иммунитетнинг юрак-қон томир синтропиясида иштирок этиш механизмларини чуқурроқ тушунишга имкон беради ва кўплаб кузатувлар натижасида юрак ремоделяциясида иммун механизмлар аҳамиятини кўрсатди. Юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислашда ёрдам берадиган, кардиоваскуляр синтропияда юрак чап қоринчаси ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерларини аниқлаш ва «...клиник натижаларнинг прогностик аҳамияти, хавф омилларини табақалаштиришда мезон сифатида ишлатиладиган янги биомаркерларни ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади...»¹.

Дунёнинг турли мамлакатларида ривожланган мамлакатлар соғлиқни сақлаш бюджетининг 80%и гача тўрт ёки ундан ортиқ касалликка чалинган беморларга сарфланади, ушбу ҳодисанинг кенг тарқалган атамаси коморбиддикдир. Бироқ умумий генетик асос ва шунга ўхшаш патогенезга эга бўлган коморбид касалликларнинг фақат бир қисми синтропиялар, «жалб қилиш», «ўзаро мойиллик» касалликлари маъносини англатади. Клиник жиҳатдан тасдиқланган кўплаб синтропик касалликлар мавжуд: шу жумладан иммунитетга боғлиқ касалликлар (аллергик ва аутоиммун); эндокрин касалликлар, шу жумладан қандли диабет, аутоиммун тиреоидит ва глютен энтеропатияси, руҳий касалликларнинг айрим шакллари ва бошқалар.

Жаҳон миқёсида юрак-қон томир касалликлари шаклланишининг иммун механизмларини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иммун яллиғланиш, ирсий мойиллик ва атерогенезнинг бошқа назарияларини ўрганиб чиққанда, цитокинлар ишлаб чиқариш даражасига таъсир қилувчи генларнинг ҳаддан ташқари экспрессияси иммун тизими воситачиларининг биокимёвий фаоллиги, адгезия молекулаларининг синтезланишига, моноцитлар/макрофаглар ва силлиқ мушак ҳужайраларининг семиз ҳужайраларга айланишига асосланган. Шунинг учун иммун реакциясининг «биринчи тўлқини» бўлган ўткир ва сурункали яллиғланиш жараёни цитокинлари иштирокидаги иммунопатогенетик механизмлар атеросклерознинг ривожланиши ва у билан боғлиқ юрак-қон томир касалликлари патогенезини асословчи омиллар ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, касалликларга эрта ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш, аҳолининг ҳаёт давомийлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси

¹ Алиева А.М., Резник Е.В., Гасанова Э.Т., Жбанов И.В., Никитин И.Г. Клиническое значение определения биомаркеров крови у больных с хронической сердечной недостаточностью. Архивъ внутренней медицины. 2018;8(5):333-45.

Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонида мувофиқ аҳоли саломатлигини таъминлаш вазифалари доирасида ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни «бир қадам» тамойили асосида ташкил этиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш учун янада қулай шарт - шароит яратиш мақсадида маҳаллаларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган¹.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2022-йил 16-июндаги «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-283-сон қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Юрак-қон томир касалликлари диагностикасининг турли усуллари самарадорлигини клиник ва патогенетик асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги илмий марказлари ва олий ўқув юр்தларида олиб борилмоқда: Karolinska Institute (Швеция), King's College London (Англия), University of Hong Kong (Гонконг), University of Michigan (АҚШ), University of Gothenburg (Швеция), Harvard University (АҚШ), University of Zurich (Швейцария), University of Bern (Швейцария), Tokyo Medical and Dental University (Япония), University of Melbourne (Австралия), Peking University (Хитой), Academic Medical Center University of Amsterdam (Нидерландия), Maastricht University Medical Center (Голландия), State University of New York (АҚШ), West Wales General Hospital (Буюк Британия), the University of Auckland (Янги Зеландия), Medanta hospital (Ҳиндистон),

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

³ www.xbmu.edu.cn, www.csu.edu.cn, www.unimeib.edu.au, www.hku.hk, www.otago.ac.nz, www.ucs.edu, www.allergic/en, www.aapd.org/, www.aaphd.org/, www.nidcr.nih.gov/research, www.nih.gov, www.mcmaster.ca, www.uchile.ci/english, www.scienceinstitute.in/, www.allergic.edu/

Первый Московский государственный медицинский университет имени И.М. Сеченова (Россия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Дунёда юрак-қон томир касалликларининг клиник ва иммунологик ҳамда тиббий-ижтимоий жиҳатлари, эрта ташхис қўйиш ва юрак-қон томир континуумининг турли усуллари ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий натижалар олинган: клиник ва иммунологик кўрсаткичлар юрак-қон томир касалликларининг шаклланиши ва кечишида аниқланди (King's College London, Англия); Юрак ишемик касаллигини турли хил комбинацияланган даволаш усуллари ёрдамида даволаш ва миокард инфарктини олдини олиш тамойиллари ишлаб чиқилган (University of Gothenburg, Швеция); Юрак-қон томир касалликларини даволашнинг турли самарали замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Tokyo Medical and Dental University, Япония); Юрак-қон томир касалликлари патогенезида иммун тизими аҳамияти ўрганилган ва замонавий диагностика усуллари ишлаб чиқилган (University of Bern, Швейцария).

Республикамизда юрак-қон томир касалликларида иммунологик ўзгаришларнинг тарқалиши, уларни патогенетик жиҳатлари ва касаллик интенсивлигини аниқлаш бўйича эпидемиологик, фундаментал ва клиник тадқиқотлар кам ўрганилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда гипертензиология бўйича етакчи ўринлардан бирини юрак ва қон томирлари ремоделяциясини ўрганиш эгаллайди. Қон томир деворларини ремоделяцияси мураккаб мултифакториал жараён бўлиб, у нафақат гемодинамик зўриқиш даражаси, балки бир қатор нейрогуморал жараёнларнинг фаоллашишига ҳам боғлиқ, шунингдек, генетик мойилликка эга. Шу билан бирга, бу хусусиятларнинг миокард ва қон томирлари ремоделяцияси шаклланишига қиёсий ҳиссаси ҳақида ҳали ҳам ягона фикр мавжуд эмас (Поветкин С. В. ва ҳаммуал. 2020).

Миокард ишемик ўзгаришларининг топик диагностикасида эхокардиограммадан фойдаланиш, биринчи навбатда, юрак кинетикасининг бузилиши билан намоён бўладиган ва ишемик каскад деб аталадиган (маҳаллий гипоперфузия → ишемия → миокард дисфункцияси → хужайра ўлими → фиброз ривожланиши) механизм натижасида келиб чиқадиган юрак мушакларининг маҳаллий қисқарувчанлиги бузилишини визуализация қилиш имконияти билан асосланади (Михайличенко В. Ю. ва ҳаммуал. 2017).

Узоқ муддатли пассив яллиғланиш шароитида эндотелиал дисфункция артерияларнинг мослашувчанлигининг пасайиши ва гипертензия билан оғриган беморнинг танасида пульс тўлқинларининг тарқалиш тезлигининг ошиши билан бирлаштирилади (Наврузова Ш.И. 2022).

Миокард гипертрофияси юрак ремоделяциясининг энг кенг тарқалган шаклидир, чунки кардиомилцитлар юрак систолик ҳажмини сақлаб қолиш учун компенсатор равишда катталашади. Чап қоринча ремоделяцияси чап бўлмача миокард массасининг прогрессив ўсиши, юрак бўшлиқлари

ҳажмининг ошиши, шунингдек унинг геометрик хусусиятларининг ўзгаришига сабаб бўлади (Галиханов Л.И. ва ҳаммуал. 2019).

Юрак-қон томир континууми - бир неча йиллар давомида мавжуд бўлган патологик маршрутнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, юқумли бўлмаган соматик патологиянинг биринчи функционал ўзгаришларидан бошлаб оғир ҳаётга хавф солувчи асоратларигача бўлган муқаррар патогенетик занжирни англатади. Континуум - доимийлик, патологик ўзгаришларнинг кетма-кетлиги ва узлуксизлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва охир-оқибат касалликнинг ўта оғир оқибатлари рамзи ҳисобланади (Таратухин Е. О. 2019).

Юрак-қон томир касалликларида коморбидлик, биринчи навбатда, атеросклероз, ностабил стенокардия ёки бошдан кечирилган миокард инфаркти фонида кечадиган артериал гипертензия, инсулин резистентлиги, қандли диабет, юқори тана вазни индекси ва дислипидемия билан асосланади (Ризаев Ж.А. ва ҳаммуал. 2022).

Сўнгги ўн йилликлардаги тадқиқотлар натижалари қон томир эндотелийининг гемодинамикани тартибга солиш жараёнида бўлган асосий аҳамиятини исботлайди. Эндотелийнинг вазоконстрикция ва вазодилатация жараёнлари ўртасидаги мувозанатни сақлаши, яллиғланиш омиллари ва томирлар ўсишини таъминлаши, қон томирлари ремоделяцияси ва тромбозда иштирок этиши кўплаб тадқиқотларда исботланган (Максимова М. С. ва ҳаммуал. 2021).

Галектин-3 бўйича тадқиқотлар натижалари турли популяцияларда бир-биридан фарқ қилади. Ушбу пептид, кўп қиррали биомаркер сифатида, юрак-қон томир касалликларининг турли босқичларида юзага келиши мумкин бўлган иммун-яллиғланиш жараёнларида иштирок этади (Гадаев А.Г. ва ҳаммуал. 2020).

Ўткир коронар синдромда эндотелиал ўсиш омилининг юқори даражаси қон томир тизими декомпенсацияси белгиси сифатида хизмат қилади ва амалиётда нафақат диагностик, аммо прогностик аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади (Аляви А.Л. ва ҳаммуал. 2019).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режаси асосида DSc №043 02.2019 «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш2022-2026йй.» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади Юрак-қон томир синтропиясида гемодинамик ва иммун яллиғланиш маркерларини комплекс баҳолаш асосида юрак чап қоринчаси ремоделяциясини ташхислаш усулларини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқот вазифалари:

ўрта ёшдаги беморларда юрак-қон томир касалликлари структурасини ўрганиш ва баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллигида юрак чап қоринчаси ремоделяцияси турларини эхокардиографик кўрсаткичларга асосланиб аниқлаш ва хавф омилларини ўрганиш;

юрак чап қоринчаси ремоделяцияси бўлган беморлар ёши, касалликнинг тури ва клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда иммунологик ва кардиоспесифик кўрсаткичларнинг гемодинамик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

кардиоваскуляр синтропияда юрак чап қоринчаси ремоделяциясининг иммунологик маркерларини аниқлаш ва асослаш;

юрак-қон томир континуумининг турли босқичларини эрта ташхислаш ва беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи 234 нафар 46 дан 59 ёшгача бўлган ўрта ёшдаги беморлар тадқиқотга жалб қилинган. Шулардан 174 нафар юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморлар ва 60 нафар тасдиқланган юрак-қон томир тизими касалликлари бўлмаган (амалий соғлом) кишиларда клиник, функционал, инструментал ва иммунологик текширишлар ўтказилган.

Тадқиқот предметини периферик қон, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун қон зардоби, юрак-қон томир тизимининг функционал ва инструментал тадқиқотлари натижалари ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Умумий клиник, биокимёвий, иммунологик, функционал, инструментал, антропометрик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба юрак-қон томир синтропиясида (юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги ва уларнинг биргаликдаги кечишида) юрак ремоделяциясининг қондаги иммун-яллиғланиш маркерлари аниқланган;

юрак ишемик касаллигида юракни концентрик ремоделяцияси хавфининг ошиши стабил зўриқиш стенокардияси, II – функционал синф, гипертония касаллиги 2-босқич, артериал гипертензия 2-даража, III-хавф бўлганда 2,0 марта, стабил зўриқиш стенокардияси III - функционал синф, гипертония касаллиги 3-босқич, артериал гипертензия 3-даража, IV - хавф бўлган беморларда 3,3 марта ошиши аниқланган;

юрак-қон томир синтропиясида қонда креатинин, қон зардобдаги фибриноген, томир эндотелий ўсиши омили А (VEGF) ва IL-1 β концентрациясининг ошиши чап қоринча гипертрофияси, трансформацияловчи ўсиш омили β 1 (TGF) ошиши юрак ўнг бўлимлари зўриқиши, комплемент C3, IL-17A концентрациясининг биргаликда ошиши коронар қон томирларининг эндотелий зарарланиши ва атеротромбознинг прогностик мезонлари, паст зичликдаги липопротеинлар, прокальцитонин ва IL-6 нинг уйқу артерияларининг комплекс интима медиа (КИМ) қалинлигининг ошиши қон томирлари атеросклеротик ўзгаришларида деструктив яллиғланиши индикаторлари сифатида илк бор тавсия этилган;

юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллигида гемодинамик ва иммунологик кўрсаткичларни комплекс ўрганиш натижалари асосида, юрак

ремоделяциясининг информатив индикаторлари танлаб олинган, аҳоли скринингидан бошлаб комплаенс-назорат қилишгача, тўрт босқичдан иборат, шу жумладан амбулатор ва госпитал мониторингини қамраб оладиган юрак-қон томир континуумининг турли босқичларида беморларни ташхислаш ва олиб бориш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак-қон томир синтропиясида ўткир коронар синдром, коронар аневризмаларнинг олдини олиш учун иммун тизимини баҳолаш орқали информатив цитокинларни аниқлаш, биокимёвий маркерларни аниқлаш ва брахиоцефалик артерияларни дуплекс ангиосканлаш, эхокардиограмма натижаларини баҳолаш амалиётга тавсия этилган;

юрак ишемик касаллиги ва гипертензия касаллиги бўлган беморларда иммунологик ва гемодинамик параметрларни ўрганиш миокард структураси ва юрак геометриясидаги ўзгаришларнинг ўз вақтида олдини олиш, даволанишни оптималлаштириш, меҳнатга лаёқатсизлик ва ногиронлик сонини камайтириш, иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берганлиги амалий соғлиқни сақлашга тавсия этилган;

умумий амалиёт шифокорлари, терапевтлар ва кардиологлар амалиётига юрак-қон томир континуумининг турли босқичларида беморларни ташхислаш ва олиб бориш тактикаси алгоритминини жорий этиш касаллик асоратларини олдини олиш ва беморларнинг даволанишга риоя қилишларини комплаенс-назорат қилиш имконини бериши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги; назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши; олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги; беморлар сонининг етарлилиги; клиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти юрак-қон томир тизимининг синтропик касалликларида беморларни комплекс ташхислаш усулининг тиббий самарадорлиги, даволаш самарадорлигини ошириш учун клиник-иммунологик усуллардан фойдаланиш, беморларни комплаенс назорат қилиш ва юрак ремоделяциясининг индикаторларини ишлаб чиқишдан иборатлиги аниқланганлиги, цитокин ҳолати, қоннинг кардиоспесифик биокимёвий кўрсаткичлари, юрак-қон томир тизимининг инструментал ва функционал текширишлар натижасида олинган кўрсаткичлар корреляцион таҳлили ўтказилганлиги ва юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия прогрессияланишининг иммун яллиғланиш маркерлари аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юрак ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерлари, шунингдек, юрак-қон томир континуумининг турли босқичларида беморларни ташхислаш ва олиб бориш

алгоритми амалий соғлиқни сақлашда жорий этилган. Алгоритмни қўллаш умумий амалиёт шифокорлари, кардиологлар ва терапевтларга юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш учун ўз вақтида диагностика тадбирларини ўтказиш, беморларни хавф гуруҳларига ажратиш, оптимал олиб бориш тактикасини танлаш ва даволанишнинг мувофиқлигини комплаенс-назорат қилиш имконини берганлиги, уларнинг профилактика сифатини ошириш, иқтисодий харажатлар ва юрак-қон томир касалликларидан ўлим ҳолатларини камайтириши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш. Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 7 июль №23-z/044 сон хулосасига кўра:

Илк мартаба юрак-қон томир синтропиясида (юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги ва уларнинг биргаликдаги кечишида) юрак ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерлари аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Мазкур усул юрак-қон томир касалликларида юрак ремоделяцияси ривожланишини эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Илмий тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 16.03.2023 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (18.03.2023 й.; № 21), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро филиали ва Кашкадарё вилояти Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 27.03.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (29.03.2023 й.; № 122)га асосан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллигида юрак ремоделяциясининг иммунологик, метаболик ва гемодинамик кўрсаткичларини комплекс аниқлаш натижасида юрак-қон томир асоратларини эрта аниқлашда касаллик авж олиши ва асоратланишини олдини олиш имконини беради ва эрта ташхисот натижасида стентлаш ва аорто-коронар шунтлаш реперфузион оператив муолажалар эҳтиёжи бўлган беморлар сонини, ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камайтиришга эришилади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

Юрак-қон томир ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерларини аниқлаш ва кардиоваскуляр континуумнинг турли босқичларида беморларни олиб бориш алгоритмининг амалиётга жорий этиш натижасида беморларнинг стационар даволаниш кунлари қисқариши ҳисобидан ҳар бир бемор учун сарфланадиган харажатлар 1 100 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилади.

Хулоса: Юрак қон томир синтропиясида юрак ремоделяциясини эрта ташхислаш ва касалликнинг эрта босқичларида иммун яллиғланиш маркерларини аниқлаш натижасида ҳар бир бемор учун сарфланадиган

стационар харажатлардан бюджет ҳисобидан 1 100 000 сўм иқтисод қилиш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Юрак-қон томир синдромида юрак чап қоринчаси ремоделизациясининг иммун-яллиғланиш маркерлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Кардиоваскуляр синдромида юрак ва қон томирларини ремоделизация хавфини табақалаштириш дастури” ва “Кардиоваскуляр синдромида юрак ва қон томирларини ремоделизация хавфини табақалаштириш дастури” услубий тавсияномалари ва илмий янгиликлар бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 мартдаги 23-х/007-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: Юрак ишемик касаллигида юракни концентрик ремоделизацияси хавфининг ошиши стабил зўриқиш стенокардияси, II – функционал синф, гипертензия касаллиги 2-босқич, артериал гипертензия 2-даража, III-хавф бўлганда 2,0 марта, стабил зўриқиш стенокардияси III - функционал синф, гипертензия касаллиги 3-босқич, артериал гипертензия 3-даража, IV - хавф бўлган беморларда 3,3 марта ошиши тасдиқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Эхокардиографияда аниқланган гемодинамик белгилар юрак концентрик ремоделизацияси ривожланишининг эрта аломатларини ажратиш олишга ёрдам беради, ўткир коронар синдром ва юрак етишмовчилигини олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Илмий тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 16.03.2023 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (18.03.2023 й.; № 21), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро филиали ва Кашкадарё вилояти Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 27.03.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (29.03.2023 й.; № 122)га асосан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

Юрак ишемик касаллиги ва гипертензия касаллиги бўлган беморларлар миокардидаги структуравий ўзгаришлар сабали юрак ремоделизацияси турини ноинвазив усулда аниқлаш касаллик асоратларини эрта ташхислаш натижасида даволаш самарадорлигини оширади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Юрак ремоделизациясининг турларини ва оғирлик даражасини шифокорларга эхокардиография усулида миокардининг структуравий ўзгаришларини эрта ташхислаш ва юрак етишмовчилиги асоратини олдини олиш имконини беради ва ҳар бир бемор учун 1 650 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилади.

Хулоса: Кардиоваскуляр синдромида юрак ремоделизациясининг гемодинамик маркерларини аниқлаш, касаллик асоратларини эрта ташхислаш ҳисобидан ҳар бир бемордан 1 650 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Юрак-қон томир синтропиясида юрак чап қоринчаси ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Кардиоваскуляр синтропияда юрак ва қон томирларини ремоделяция хавфини табақалаштириш дастури” ва “Кардиоваскуляр синтропияда юрак ва қон томирларини ремоделяция хавфини табақалаштириш дастури” услубий тавсияномалари ва илмий янгиликлар бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 мартдаги 23-х/007-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирилгига юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: Юрак қон томир синтропиясида қонда креатинин, фибриноген, томир эндотелий ўсиши омили (VEGF) А ва интерлейкин (IL)-6 концентрациясининг ошиши чап қоринча гипертрофияси, трансформацияловчи ўсиш омили (TGF)-β1 ошиши юрак ўнг бўлимлари зўриқиши прогностик мезонлари сифатида аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Цитокин ҳолати, қоннинг кардиоспесифик биокимёвий кўрсаткичлари, юрак-қон томир тизимининг инструментал ва функционал текширишлар натижасида олинган кўрсаткичлар корреляцион таҳлили ўтказилганлиги ва юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия прогрессияланишининг иммун яллиғланиш маркерларини аниқлаш натижасида даволаш самарадорлигини оширишга эришилади.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Илмий тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 16.03.2023 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (18.03.2023 й.; № 21), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро филиали ва Кашкадарё вилояти Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 27.03.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (29.03.2023 й.; № 122)га асосан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юрак ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерлари, шунингдек, юрак-қон томир континуумининг турли босқичларида беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми амалий соғлиқни сақлашда жорий этилиши шифокорларга беморларни олиб бориш тактикасини танлашда ижтимоий аҳамиятини оширади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Юрак-қон томир синтропиясида юрак ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерларини ўрганиш ва прогностик мезонларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида инвазив диагностик муолажаларни камайтириш натижасида ҳар бир бемор учун сарфланадиган харажатларни 1 450 000 сўмга камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади.

Хулоса: Прогностик иммунологик мезонларни ўз вақтида аниқлаш натижасида беморларни хавф гуруҳларига ажратиш, оптимал олиб бориш тактикасини танлаш ва даволанишнинг мувофиқлигини комплексланган назорат қилишга ва 1 450 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Юрак-қон томир синдромида юрак чап қоринчаси ремоделициясининг иммун-яллиғланиш маркерлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Кардиоваскуляр синдромида юрак ва қон томирларини ремоделиция хавфини табақалаштириш дастури” ва “Кардиоваскуляр синдромида юрак ва қон томирларини ремоделиция хавфини табақалаштириш дастури” услубий тавсияномалари ва илмий янгиликлар бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 мартдаги 23-х/007-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: Юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллигида гемодинамик ва иммунологик кўрсаткичларни комплекс ўрганиш натижалари корреляцион таҳлил қилиниб, юрак ремоделициясининг информатив индикаторлари танлаб олинган. Аҳоли скринингидан бошлаб комплаенс-назорат қилишгача, тўрт босқичдан иборат, шу жумладан амбулатор ва госпитал мониторингини қамраб оладиган “Юрак-қон томир континуумининг турли босқичларида беморларни ташхислаш ва олиб бориш тактикаси алгоритми” ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Юрак-қон томир синдромида ўткир коронар синдром, коронар аневризмаларнинг олдини олиш учун иммун тизимини баҳолаш орқали информатив цитокинларни аниқлаш, биокимёвий маркерларни аниқлаш ва брахиоцефалик артерияларни дуплекс ангиосканлаш, эхокардиограмма натижаларини баҳолаш беморларда оғир асоратларни олдини олиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Илмий тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 16.03.2023 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (18.03.2023 й.; № 21), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Бухоро филиали ва Кашкадарё вилояти Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 27.03.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномаси (29.03.2023 й.; № 122)га асосан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги бўлган беморларда иммунологик ва гемодинамик параметрларни ўрганиш миокард структураси ва юрак геометриясидаги ўзгаришларнинг ўз вақтида олдини олиш, даволанишни оптималлаштириш, меҳнатга лаёқатсизлик ва ногиронлик сонини камайтириш, иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Кардиоваскуляр континуумнинг турли босқичларида беморларни олиб бориш алгоритминини бирламчи ва иккиламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари амалиётга жорий этиш натижасида беморларнинг стационар даволаниш кунлари қисқариши ҳисобидан ҳар бир бемор учун 1 700 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилади.

Хулоса: Гипертония касаллиги ва юрак ишемик касаллигининг турли босқичларида беморларни ташхислаш ва олиб бориш тактикаси алгоритминини

амалиётга жорий этиш натижасида бемор учун сарфланадиган стационар харажатлар ва диагностик муолажалари учун сарфланадиган маблағлардан ҳар бир бемор учун бюджет ҳисобидан 1 700 000 сўм иқтисод қилиш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Юрак-қон томир синтропиясида юрак чап қоринчаси ремоделяциясининг иммун-яллиғланиш маркерлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Кардиоваскуляр синтропияда юрак ва қон томирларини ремоделяция хавфини табақалаштириш дастури” ва “Кардиоваскуляр синтропияда юрак ва қон томирларини ремоделяция хавфини табақалаштириш дастури” услубий тавсияномалари ва илмий янгиликлар бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 30 мартдаги 23-х/007-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирилгига юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 170 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига тадбиқ қилиш бўйича, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Кардиоваскуляр континуум. Юрак-қон томир синтропиясининг замонавий иммун-патогенетик механизмлари”** деб номланган биринчи бобида мазкур йўналишда амлага оширилган замонавий тадқиқотларнинг назарий асослари таҳлил қилинган, маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи берилган, шу жумладан юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертензиянинг этиологияси, патогенези, диагностика ва даволаш тамойиллари бўйича янги маълумотлар муҳокама қилинган. Юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича

тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар ва уларни янада чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Юрак-қон томир синтропиясида иммун яллиғланиш маркерларини ўрганишнинг клиник материали ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган ва махсус тадқиқот усуллари таърифланган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, тадқиқотга 174 нафар 45 ёшдан 59 ёшгача бўлган, юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги ташхиси умумклиник ва лаборатор-инструментал усуллар билан тасдиқланган беморлар, 60 нафар профилактик тиббий кўриқдан ўтган амалий соғлом, юрак-қон томир тизими касалликлари бўлмаган шахслар назорат гуруҳига киритилди, ўртача ёш кўрсаткичи $52,4 \pm 1,27$ ёшни ташкил этган.

Тадқиқот гуруҳларида беморлар ёши, жинси ва юрак қон томир тизими касалликлари давомийлиги бўйича репрезентатив бўлиб, ўзаро таққосланган.

Тадқиқот Хелсинки Декларациясига мувофиқ амалга оширилган.

Барча беморларда зарур функционал электрокардиография (ЭКГТ-03М2 аппаратида), эхокардиография (Mindray DC-№6 аппаратида рангли доплерографик усулда), коронар ангиография (Siemens Axiom Artis ангиография комплексида), дуплекс ангиосканлаш, ички аъзолар ультра товуш текширишлари (УТТ) билан бирга қоннинг биокимёвий таҳлили ва липидограмма (Mindray BS 240 автоматик анализаторида), коагулограмма (MD-560i автоматик коагулометрида), қон зардобиди цитокинлар IL-1 β , IL-17A, IL-6, TNF- α , TGF- β , VEGF-A, C3, IGF-1, прокальцитонин кўрсаткичлари иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида «Цитокин» (Санкт-Петербург, РФ) тест тўпламлари билан аниқланган.

Беморларни жинси бўйича тақсимлаганда эркакларда юрак қон томир касалликлари кўпроқ учради - 107 (61,5%), аёллар – 67 (38,5%) ташкил этган.

Тадқиқот учун беморларнинг гуруҳларга тақсимланиши қуйидагича амалга оширилган:

1-гуруҳга гипертония касаллиги (ГК)1-босқич, артериал гипертензия (АГ) 1-даража, Хавф-II ташхиси билан 64 нафар бемор киритилган;


2-гуруҳга юрак ишемик касаллиги (ЮИК) стабил зўриқиш стенокардияси (СЗС), II – функционал синф (ФС), ГК 2-босқич, АГ 2-даража, III-хавф ташхиси билан 52 нафар бемор киритилган;

3-гуруҳга ЮИК СЗС, III - ФС, ГК 3-босқич, АГ 3-даража, IV – хавф ташхиси билан 58 нафар бемор киритилган;

назорат гуруҳини 60 нафар юрак-қон томир тизими касалликлари бўлмаган профилактик амбулатор кўриқдан ўтказилган кишилар ташкил этган (1-расм).

Эркакларда ЮИК 2-тип қандли диабет (24,2%), ёғли гепатоз (46,5%) ва сурункали холецистит (51,7%) фонида учради ва бу ёшдаги аёлларда 2-тип қандли диабет (19,8%), ёғли гепатоз (44,3%) ва сурункали холецистит (54,8%)

фонида кечди, бу шуни кўрсатадики ўрта ёшдаги беморларда ёндош касалликлар бўйича гендерлик фарқ деярли аниқланмаган.




1-расм. Беморларнинг нозология бўйича тақсимланиши

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Microsoft Office Excel дастурлар ва SPSS (Statistica 12.0) тўплами, шу жумладан статистик ишлаш учун ички ўрнатилган функциялар ёрдамида Windows 10 шахсий компютерида статистик ишланган. Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш вариацион статистика усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Ўртача фарқларнинг ишончилиги Стъюдент мезони (t) асосида тақсимотнинг нормаллигини ва умумий дисперсияларнинг тенглигини текширишда хато эҳтимолини (P) ва (F Фишер мезони), корреляцион таҳлил Пирсон усули (r) ёрдамида амалга оширилган ва Чеддок шкаласи (2015) бўйича баҳоланган.

Диссертациянинг **“Юрак қон томир касалликлари бўйича ретроспектив тадқиқотлар натижаларини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида Бухоро вилоятида 2020 йилдан 2022 йилгача бўлган даврдаги юрак-қон томир тизими патологияси билан касалланишнинг динамикасини баҳолаш учун бирламчи юрак-қон томир касалликларининг частотаси ўрганилган. Натижада Бухоро вилояти аҳолиси орасида сўнгги 3 йилда бирламчи юрак-қон томир касалликлари частотаси олдинги йилларга нисбатан 1,55 мартаба ошгани аниқланди. Шу билан бирга, 2022 йилда бирламчи юрак-қон томир касалликларининг интенсив кўрсаткичи 2020 йилга нисбатан 2,22 марта ошган.

Юрак-қон томир патологиясининг структурасини ўрганиш нозологиялар орқали касалланиш динамикасини аниқлаш имконини берган (2-расм). Ўрганилган даврда юрак-қон томир касалликлари ҳолатларининг кўпайиши кузатилган, шу билан бирга прогрессив стенокардиянинг 1,9 баравар, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилиши билан кечадиган ЮИК - 2,3 бараварга кўпайиши аниқланган. Кардиотерапевтик бўлимлар фаолиятининг 2020 йилдаги таҳлили шуни кўрсатадики, шифохонага тиббий ёрдам учун жами

4184 бемор муружаат қилган, шундан 1014 (24,2%) бемор тез тиббий ёрдам хизмати томонидан касалхонага ётқизилган, 3100 (74,1%) бемор ўзи келган, 70 нафар (1,7%) касалхонага йўлланма орқали юборилган.



3-расм. Бухоро вилоятида 2020-2022 йилларда бирламчи юрак-қон томир касалликлари структураси

Юрак ремоделяцияси хавфини аниқлаш учун артериал гипертензиянинг ривожланиши ва оғирлашишига, шунингдек унинг ЮИКга ўтишига сабаб бўладиган омиллар аниқланган. Хавф омилларини аниқлаш сўровнома ўтказиш, анамнезни тўлиқ ўрганиш, беморларни объектив ва клиник текшириш орқали амалга оширилган.

ЮИК ва ГК ривожланишининг етакчи сабаб омиллари сифатида турмуш тарзи, фаолият соҳаси, жисмоний фаолият, овқатланиш табиати ва юрак-қон томир патологиясига ирсий мойиллик ўрганилган. Юрак ремоделяциясига олиб келувчи хавф омилларнинг частотаси нисбий коэффицентлари аниқланган (1-жадвал).

Жадвалга мувофиқ ҳисоблаш қуйидагича: $OR(OШ) 1 <$ да хавф омили касалликнинг бошланишига аҳамиятга эга, бизнинг тадқиқотларимизда юрак ремоделяцияси ривожланишининг прогнозини беради.

Юрак ремоделяцияси хавф омилларининг пайдо бўлиш частотаси таркибида 1-ўринни қонда креатинин ортиши омили > 100 ммол/л - $OR=22.9$, 2-ўринни семизлик, 3-ўринда $OR=14.0$ билан рухий ва/ёки ақлий зўриқиш хавф омиллари аниқланган.

Қон липидлари спектридаги ўзгаришларнинг юрак ремоделяцияси шаклланишига таъсирини кўрсатиш муҳим, хусусан, юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда $TГ > 1,3$ ммол/л бўлиши юрак ремоделяцияси ривожланиши хавфини 10,7 баравар ошириши аниқланган.

Кардиологик ва терапевтик амалиётда юрак ремоделяцияси хавфини табақалаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш кардиоваскуляр синтропияда беморларни олиб бориш тактикасини танлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар ва меҳнатга лаёқатсизлик хавфини камайтириш имконини берган.

Юрак ремоделяциясининг хавф омиллари (OR)

Хавф омиллари	Беморлар (n=174)		Назорат гуруҳи (n=60)		OR (odds ratio)	95% ДИ (min-max)
	Abs	%	Abs	%		
Гиподинамия	42	24,2	11	18,3	1,4	0,65-3,09
Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш	48	27,6	14	23,3	1,25	0,61-2,58
Тамаки чекиш	40	22,9	7	11,7	1,9	0,98-3,75
Нос чекиш	16	9,5	2	3,4	3,0	0,65-14,18
Ортиқча вазн	61	35,4	49	81,7	1,2	0,06-0,26
Семизлик	53	45,7	3	5,0	16,0	4,73-53,99
Овқат билан ош тузини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш	61	52,6	7	11,7	8,4	3,52-20,01
Эмоционал стресс ва ақлий зўриқиш	88	75,8	11	18,3	14,0	6,42-30,54
Ирсий мойиллик	98	56,1	17	28,3	3,2	1,65-6,30
Гиперстеник тана тузилиши	64	36,8	18	30	1,4	0,72-2,70
Избыточное употребление жирных продуктов	70	60,4	13	21,7	5,5	2,68-11,28
Лейкоцитлар <4,0 ёки >9,0x10 ⁹ /л	71	61,2	7	11,7	11,9	4,99-28,58
ЭЧТ >12 мм/с	32	27,6	7	11,7	2,9	1,19-7,00
Фибриноген >3,5 г/л	46	39,6	12	20,0	2,6	1,26-5,48
Умумий оксил <60,0 г/л	29	25,0	11	18,3	1,5	0,68-3,23
Мочевина > 9,0 ммоль/л	87	75,0	21	35,0	5,6	2,83-10,96
Креатинин 100< ммоль/л	93	80,2	9	15,0	22,9	9,86-53,23
Прокальцитонин 0,05< нг/мл	48	41,4	11	18,3	3,1	1,48-6,66
IGF-I 95,0< нг/мл	67	57,7	9	15,0	7,7	3,49-17,22
VEGF-A 92,5< пг/мл	87	75,0	27	45,0	3,7	1,89-7,09
TGF-β 110,0< пг/мл	91	78,4	22	36,7	6,3	3,16-12,49
Глюкоза 5,5< ммоль/л	33	28,4	12	20,0	1,6	0,75-3,37
Умумий холестерин 5,5< ммоль/л	77	66,4	28	46,7	2,3	1,19-4,27
Паст зичликдаги ЛП 2,5< ммоль/л	55	47,4	12	20,0	3,6	1,74-7,48
Юқори зичликдаги ЛП <1,7 ммоль/л	54	46,5	8	13,4	5,7	2,47-12,97
ТГ >1,3 ммоль/л	42	36,2	3	5,0	10,8	3,18-36,57
Атерогенлик индекси 2,0<	63	54,3	12	20,0	4,78	2,29-9,87
Прогестерон аёлларда <0,5 нмоль/л	42	36,2	21	35,0	1,1	0,55-2,02
Тестостерон эркакларда <31,0 нмоль/л; аёлларда 1,2< нмоль/л	23	19,8	11	18,3	1,1	0,49-2,45
IL-6, пг/мл	49	42,3	9	15,0	4,1	1,87-9,21
TNF-α, пг/мл	88	50,8	13	21,7	3,7	1,83-7,64
ЭКГ: Юқори R (V5-6), чуқур S (V1-2)	94	54,3	4	6,7	16,6	5,66-48,92
Тинч ҳолатда ҳансираш	32	18,4	0	0	6,5	1,22-5,29
Баландликка чиққанда ҳансираш	88	50,6	4	6,7	9,6	1,34-5,11
Ўпкада хириллашлар	118	68,1	17	28,3	5,4	2,73-10,70

Диссертациянинг “**Юрак қон томир касалликларида проспектив тадқиқотлар натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида юракнинг ремоделизациясига олиб келадиган ЮИК ва ГК клиник кечишини ўрганиш натижалари келтирилган, иммунологик, биокимёвий ва функционал тадқиқотлар натижалари ёритилган.

Ўрта ёшли эркакларда юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги куйидаги касалликлар билан биргаликда кечиши аниқланган: 2-тип қандли диабет 26 (24,2%), ёғли гепатоз 50 (46,5%), сурункали холецистит 55 (51,7%), сурункали гастродуоденит 28 (26,2%) ва ичак таъсирланиш синдроми (ИТС) 25 (23,4%). Ўрта ёшли аёлларда эса 2-тип қандли диабет 13 (19,8%), сурункали холецистит 37 (54,8%), ёғли гепатоз 29 (44,3%), сурункали гастродуоденит 10 (14,9%) ва мигрен 9 (13,4%) каби ёндош касалликлар ташхисланган. Мазкур ҳолат ўрта ёшдаги беморлар коморбидлик структурасида гендер фарқлари мавжудлиги, ташхис қўйиш ва касаллик истиқболини аниқлашда дифференциал ёндашувнинг муҳимлигини кўрсатган.

Биокимёвий қон таҳлилида умумий оқсил ва жигар трансферазалари (АЛТ ва АСТ) концентрациясининг пасайиши гипергликемия ва гипербилирубинемия фонида кечиши бўйича статистик жиҳатдан муҳим тенденция аниқланган ва бу ҳолат беморларда оқсил-синтетик жигар функциясининг пасайишини кўрсатган.

Шу билан бирга юрак тўқимасининг зарарланиши тизимли яллиғланиш синдроми билан кечишини белгиловчи индикаторлар сифатида беморларда касаллик оғирлашуви билан бирга қон зардобида прокальцитонин ва фибриногеннинг ошиши аниқланган.

Клиник амалиётда прокальцитонин даражаси сепсисни ташхислаш учун ишлатилади. Шу жумладан кардиохирургик муолажалардан кейинги беморларда, миокард инфаркти ва ўткир коронар синдромда тизимли яллиғланиш синдромининг ривожланиши билан бирга прокальцитонин концентрациясининг ошиши замонавий тадқиқотларда исботланган ва прокальцитонин даражаси кардиологик беморларда ўлим ҳолати билан тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган.


Прокальцитонин концентрацияси 1 асосий гуруҳда 4,5 мартаба, 2 гуруҳда 10 мартаба ва 3 гуруҳда 12 мартаба назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ошиши аниқланган. Бу ҳолат сепсис ёки септик шокнинг паст эҳтимоли борлигини, аммо организмда тизимли яллиғланиш жараёни кечиши ҳақида далолат беради.

1-гуруҳ беморларида умумий холестерин 1,4 мартага, паст зичликдаги липопротеидлар 2 баравар, атерогенлик индекси эса 6 мартага ошганлиги аниқланган (4-расм), ушбу тенденция 2 ва 3 тадқиқот гуруҳларида ҳам деярли бир хил бўлганлиги, юрак қон томир касалликларининг асосий

хавф омилларидан бири ҳисобланадиган дислипидемиянинг бошқа кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлигини ўрганиш зарурлигини

асослаган. Тадқиқотда қон липид спектрини ўрганганда, 3-гуруҳ беморларида умумий холестерин $7,6 \pm 0,23$ ммол/л бўлиб назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан $5,2 \pm 0,18$ ммол/л, 1,5 марта юқори эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, ушбу гуруҳ беморларида атерогенлик индекси назорат гуруҳига нисбатан 5,7 мартаба ошганлиги ва Ритис коэффиценти эса 1,6 марта ошиши кузатилган, бу жигар фаолиятини ҳам ҳисобга олиш муҳимлигини кўрсатади.

Маълумки, ГК билан оғриган беморларда холестерин миқдорининг 1% га ошиши ЮИК хавфини 2% га оширади. Шу билан бирга, триглицеридлар (ТГ) ва паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) гипертензиянинг прогрессияси ва юрак-қон томир асоратлари хавфини оширади.



4-расм. 1- гуруҳ ГК билан оғриган беморларнинг қон липид спектри

Иммунологик қон параметрларини юрак-қон томир синтропиясида гуруҳларни бир бири билан солиштирганда, барча цитокинларнинг касаллик оғирлигига тўғри пропорционал равишда ошиши кузатилган: 1-гуруҳ беморларида IL-17A нинг 1,3 мартага назорат гуруҳига нисбатан ошиши, IL-1 β концентрациясининг 1,25 мартага ошиши кузатилган, аммо бошқа цитокинлар референс кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмаган. 2-гуруҳ беморларида IL-17A ($99,9 \pm 2,71$ пг/мл) назоратга нисбатан ($49,9 \pm 2,65$ пг/мл) 2 баравар кўпайиши, С3 комплемент эса 1,4 марта ошиши аниқланган. 3 гуруҳ беморларида энг информатив цитокинлардан IL-17A цитокинининг 2 мартаба, IL-6 ва С3 комплементнинг 1,5 бараварга ошиши аниқланган. Цитокинларнинг касаллик прогрессияси ва оғирлашувига мутаносиб равишда ошиши юрак-қон томир тизими патологиясида иммунологик ўзгаришларнинг патогенетик аҳамиятини исботлаган (2-жадвал).

Тадқиқот ишида иммунологик кўрсаткичлардан ўсиш омиллари IGF-1, VEGF-A и TGF-1 β ўрганилган. 3 гуруҳ беморларида IGF-1 $134,0 \pm 0,05$ пг/мл бўлиб 1 ва 2-гуруҳ ($127,7 \pm 2,59$ ва $124,8 \pm 2,18$ пг/мл) кўрсаткичларидан сезиларли ошганлиги кузатилган (3-жадвал).

2-жадвал

Юрак-қон томир синтропиясида цитокин статуси

Цитокинлар	1-гурух (n=64)	2-гурух (n=52)	3-гурух (n=58)	Назорат гурухи (n=60)
IL-1 β , пг/мл	54,1 \pm 1,97**	58,2 \pm 2,07**	67,5 \pm 0,89***	43,2 \pm 1,57
IL-6, пг/мл	31,0 \pm 13,8*	35,8 \pm 0,84***	45,2 \pm 0,86***	29,8 \pm 0,59
IL-17A, пг/мл	62,8 \pm 1,61**	99,9 \pm 2,71***	105,5 \pm 1,08***	49,9 \pm 2,65
TNF- α , пг/мл	32,1 \pm 1,89*	50,2 \pm 1,0**	50,4 \pm 1,74**	30,2 \pm 1,17
C3, пг/мл	53,2 \pm 5,4*	68,2 \pm 2,07***	73,0 \pm 1,15***	50,2 \pm 1,34

Изох: * Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли
(*P<0,05; **0,01;*** - 0,001)

Юрак ишемик касаллигида IGF-1 концентрациясининг ошиши қон томир деворининг шикастланиши, ҳимоя жараёнларини фаоллаштириш механизми ва “атеросклеротик пиллақларнинг беқарорлиги” кўрсаткичи ва миокард инфаркти хавф омили сифатида баҳоланган.

Натижада IGF-1 концентрацияси 2-гурух беморларида 134,0 \pm 0,05 пг/мл бўлиб 1- ва 3-гурух кўрсаткичларига нисбатан ишонарли даражада юқорилиги (127,7 \pm 2,59 пг/мл ва 124,8 \pm 2,18 пг/мл) аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Юрак-қон томир синтропиясида иммунологик ўсиш омиллари

Ўсиш омиллари	1-гурух (n=64)	2-гурух (n=52)	3-гурух (n=58)	Назорат гурухи (n=60)
IGF-1 (пг/мл)	127,7 \pm 2,59	124,8 \pm 2,18	134,0 \pm 0,05*	120,9 \pm 1,44
